

Ўзбекистонда чакана ва улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил январь-июнь ойлари учун дастлабки маълумот

- I. Чакана савдо товар айланмаси
- II. Улгуржи савдо товар айланмаси
- III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси
- IV. Услубий маълумотлар
- V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

I. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, чакана савдо соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони **89 861** тани ташкил этди. Шундан фаолиятдаги йирик корхоналар сони **432** тани, кичик корхоналар ва микрофирмалар сони эса **89 429** тани ташкил қилди.

2026 йилнинг январь-июнь ойлари якунларига кўра, Ўзбекистоннинг чакана савдо товар айланмаси **251 756,4** млрд сўмга етиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан реал ҳисобда **20,2 %** га ошди. Йирик корхоналарнинг товар айланмаси **49 629,3** млрд сўмни (реал ҳисобда ўсиш суръати – **130,0 %**), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариники эса **173 343,8** млрд сўмни (реал ҳисобда ўсиш суръати – **115,9 %**) ташкил этди.

Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръатлари


2026 йил январь-июнь ойлари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Чакана савдо товар айланмаси ҳажми (ойлик)

**Чакана савдо ҳажмида йирик корхоналар, кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бўйича динамикаси**
январь-июнь ойлари



II. Улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, улгуржи савдо соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони **56 363** тани ташкил этиб, шундан **426** таси йирик корхоналар, **55 937** таси эса кичик корхоналар ва микрофирмалардир.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистоннинг улгуржи товар айланмаси ҳажми **283 334,7** млрд сўмга етган ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан реал ҳисобда **16,5** фоизга ошган.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо айланмаси **90 214,4** млрд сўмни (реал ҳисобда ўсиш суръати – **137,1 %**), кичик тадбиркорлик субъектларининг савдо айланмаси эса **193 120,3** млрд сўмни (реал ҳисобда ўсиш суръати – **108,9 %**) ташкил қилди. Республиканинг умумий улгуржи савдо ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши **68,2 %** га тенг бўлди.

Улгуржи савдо ҳажми динамикаси
2026 йил январь-июнь ойлари, млрд сўм



Мавзуга доир кўрсаткичлар:
Улгуржи савдо ҳажми (ойлик)

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари

2026 йил январь-июнь ойлари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръати (ойлик)


III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси

2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони **29 204** та бўлган. Шулардан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони **148** тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони эса **29 056** тани ташкил қилган.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси **126 755,8** млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан реал ҳисобда **12,1** фоизга ошди. Бунда товар айланмасининг **76,7** фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, йирик корхоналарнинг улуши **23,3** фоизни ташкил этди.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмасининг ўсиш суръати динамикаси

2026 йил январь-июнь



IV. Услубий маълумотлар

Улгуржи ва чакана савдо айланмаси статистик кўрсаткичларини шакллантиришда улгуржи ва чакана савдо корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, “2008-йилги миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-2008)”, “Чакана ва улгуржи савдо статистикаси бўйича халқаро тавсиялар” (БМТ, 2008 й.), “Чакана савдо айланмасини статистик кузатиш ва унинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар” (МДҲ Статистика қўмитаси, 2011-й.) каби халқаро қўлланма ва тавсиялардан фойдаланилган.

Улгуржи ва чакана савдо айланмаси статистикаси норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Айрим ҳолларда якуний қиймат ва қўшилувчилар йиғиндиси ўртасидаги кичик фарқлар маълумотларнинг яхлитланиши билан изоҳланади.

V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

Улгуржи савдо ҳажми (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Улгуржи савдо айланмасининг ўсиш суръати (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Чакана савдо айланмаси ҳажми (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми ўсиш суръати (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръати (ҳудудлар кесимида, ойлик)

Тайёрлаш учун масъул:

Хизматлар соҳаси статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

Електрон почта: info@stat.uz

Тел.: 71-203-80-00 (1280, 1290)

